



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2023 йил 12 апрель      Бекобод тумани      4-1106-2301/508-сонли иш

Бекобод туманлараро иқтисодий судининг судьяси М.Набиев раислигида, Ж.Таированинг котиблигида, аризачи Бекобод туман Давлат солиқ инспекциясининг жавобгар “Султон Бибахоним” масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги ҳисобварақалар бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси юзасидан кўзғатилган иқтисодий ишни тарафлардан: аризачи вакили М.Ибрагимова (ишончнома асосида) иштирокидаги очиқ сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**а н и қ л а д и:**

аризачи Бекобод туман Давлат солиқ инспекцияси (бундан буён матнда “аризачи” деб юритилади) судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар “Султон Бибахоним” масъулияти чекланган жамиятининг (бундан буён матнда “жавобгар” деб юритилади) банклардаги ҳисобварақалар бўйича операцияларни тўхтатиб туришни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили аризадаги асосларни таъкидлаб, Бекобод туман Давлат солиқ инспекциясининг 2023 йил 28 февралдаги 20/1-00007-кт-сон буйруғига асосан, “Султон Бибахоним” масъулияти чекланган жамиятида Солиқ кодексининг 138-моддасида белгиланган тартибда камерал солиқ текшируви бошланганлигини, шунга асосан 2023 йил 1 март куни “Султон Бибахоним” масъулияти чекланган жамиятига ҳужжатларни тақдим этиш тўғрисида 20/1-01678-сонли сўровнома юборилганлигини, бироқ жамият томонидан ушбу сўровномада кўрсатилган ҳужжатлар 2023 йил 27 март кунига қадар тақдим этилмаганлигини билдириб, аризани қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган бўлса-да, бугунги суд мажлисида вакили иштирокини таъминламади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан кейинги матнларда ИПК деб юритилади)нинг 128-моддаси 5-қисмига кўра, агар ажримнинг кўчирма нусхаси суд томонидан электрон почта орқали ёки хабардор қилинганлик фактини тасдиқловчи бошқа алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда юборилган кундан эътиборан уч кун ўтган бўлса ушбу иштирокчи тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланади.

Жавобгарга суд хужжати электрон шаклда юборилганлиги ва 1.04.2023 йилда қабул қилиб олинганлигини тасдиқловчи маълумот иш хужжатида мавжуд.

Мазкур ҳақида суд, жавобгар вакили суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор этилганлигини ҳамда низо юзасидан қарор қабул қилиш учун маълумотлар етарли эканлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 220-моддаси талабларидан келиб чиқиб, иш жавобгар вакили иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд иш хужжатларини ўрганиб, аризачи вакилининг кўрсатмаларини тинглаб, қуйидаги асосларга кўра аризани қаноатлантиришни лозим топди.

Иш хужжатларидан кўринишича, Бекобод туман Давлат солиқ инспекциясининг 2023 йил 28 февралдаги 20/1-00007-кт-сон буйруғига асосан, “Султон Бибиҳоним” масъулияти чекланган жамиятида Солиқ кодексининг 138-моддасида белгиланган тартибда камерал солиқ текшируви бошланган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (бундан буён матнда “СК” деб юритилади) 138-моддасининг ўнинчи қисмига кўра камерал солиқ текшируви жараёнида солиқ органи солиқ тўловчидан (солиқ агентидан, учинчи шахсдан) ҳисобга олиш хужжатларини, тақдим этилган солиқ ҳисоботига ва ҳисобга олиш хужжатларига доир тушунтиришларни, шунингдек солиқ ҳамда йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш билан боғлиқ бошқа ахборотни ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда сўраб олиши мумкин.

Шунга асосан 2023 йил 1 март куни “Султон Бибиҳоним” масъулияти чекланган жамиятига хужжатларни тақдим этиш тўғрисида 20/1-01678-сонли сўровнома юборилган.

Бироқ, жавобгар томонидан хужжатларни тақдим этиш тўғрисидаги 20/1-01678-сонли сўровномада кўрсатилган хужжатлар 2023 йил 27 март кунига қадар тақдим этилмаган.

Ваҳоланки, СК 138-моддасининг ўн биринчи қисмига кўра Сўралган хужжатлар ва тушунтиришлар солиқ органига тегишли сўров олинган кундан эътиборан беш кун ичида тақдим этилиши керак.

Аризачи сўровномада қайд этилган хужжатлар жавобгар томонидан тақдим этилмаганлиги сабабли жавобгарнинг шахсий кабинетига банкдаги ҳисобварақлар бўйича операциялари тўхтатиб турилиши ҳақида 2023 йил 9 март куни электрон шаклда хабарнома юборган. Бироқ, жавобгар ушбу хабарномани қабул қилиб олган бўлса-да, сўровномада қайд этилган хужжатлар тақдим этилмаган.

СК 111-моддасининг биринчи қисмига кўра солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари

бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

**Protected by PDF Anti-Copy Free**

Шунингдек, СК 111-моддаси учинчи қисмининг 2-бандига кўра юридик шахслар ва яқин қарбидош тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларнинг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун солиқ тўловчи (солиқ агент) томонидан солиқ органининг камерал солиқ текшируви натижасида бўйича талабномасига тушунтиришлар ва (ёки) тузатишлар белгиланган муддатда тақдим этилмаганда, шунингдек солиқ тўловчи томонидан солиқ органи талаб қилган ҳужжатлар тақдим этилмаганда қўлланилиши мумкин.

Мазкур ҳолатда жавобгар “Султон Бибихоним” масъулияти чекланган жамияти томонидан ҳужжатларни тақдим этиш тўғрисидаги 20/1-01678-сонли сўровномада кўрсатилган ҳужжатлар бугунги кунга қадар тақдим этилмаганлиги аризачи вакилининг судга тақдим этган маълумотномаси, кўрсатмаси ҳамда иш ҳужжатлари билан тўлиқ тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 118-моддасининг биринчи қисмига кўра суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Қайд этилганларга кўра суд, ишнинг барча ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ ўрганиб чиқиб, аризани қаноатлантиришни, “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 19-бандига асосан аризачи ва жавобгар - ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўлашдан озод этилганлигини инобатга олиб, иш бўйича давлат божини ундирмасликни лозим топди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 179 ва 222-моддаларини қўллаб, суд

### **қ а р о р   қ и л а д и:**

Аризачининг талаби қаноатлантирилсин.

Жавобгар “Султон Бибихоним” масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги ҳисобварақалари бўйича операция (бюджетга тўловлар, иш ҳақи, нафақалар, шунингдек ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходиса оқибатида соғлиқ ва ҳаётга етказилган зарарни қоплаш учун маблағлар бериш ҳоллари бундан мустасно)ларининг чиқиш қисми солиқ органининг 2023 йил 1 мартдаги 20/1-01678-сонли сўровномасида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилгунга қадар тўхтатиб қўйилсин.

“Султон Бибихоним” масъулияти чекланган жамиятига хизмат кўрсатувчи барча банклар ҳисоб рақамлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйишга сабаб бўлган ҳолатлар тўлиқ бартараф этилгандан сўнг, давлат солиқ органи хизмати томонидан тақдим этиладиган ёзма кўрсатмаси (қарори) асосида ҳисобварақлар бўйича операциялар тиклансин.

“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддасининг 19-бандига кўра, аризачи ва жавобгар - ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божидан озод этилганлигини исботлашга олиниши.

Ҳал қилув қарори ўн кунлик муддат ўтгач қонуний кучга киради.

Мазкур ҳал қилув қароридан 10 (ўн) кунлик муддат ичида апелляция тартибида шикоят қилиш (прокурор ишда иштирок этувчи шахснинг мурожаати бўлган тақдирда) ва протест келтириши) мумкин.

**Раислик қилувчи, судья**

**М.Набиев**